
Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 31 йиллиги

Тинчлик шаҳарчаси марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази Олтиариқ туман бўлинмаси, туман Маданият бўлими, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш туман бўлими ва Ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда "Эл азиз, инсон азиз" шиори остида "Инсон қадри улуғланган юрт" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирга туман хокими Ш. Турдалиев ва бир гуруҳ фаоллар ташриф буюришиб, юртдошларимизни байрам билан муборакбод этдилар. Истеъдодли санъаткор Элбек Мадалиев ўзининг гўзал ва бетакрор қўшиқлари билан даврага йиғилган иштирокчиларни хушнуд этди.

2022-09-03 09:11:14